



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING**

QARORI

№ 02/18-2-2/A-69

“30” декабрь 2025 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 100-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “BIZNES FINANS MIKRMOLIYA TASHKILOTI” МЧЖ (кейинги ўринларда – Жамият)нинг корпоратив облигациялари сўндирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2022 йил 31 августда Q0845-сон билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилишини эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан (келгусида – ЯДР) чиқариш учун қуйидаги ҳужжатларни Агентликка тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- Жамиятнинг корпоратив облигациялар чиқарилишини ЯДРдан чиқариш тўғрисида 2025 йил 17 ноябрдаги 173-сон аризаси;

- Жамият томонидан облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган облигациялар бўйича барча ўз мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида Жамиятнинг 2025 йил 17 ноябрдаги 174-сон ёзма тасдиғи;

- 2022 йил 31 августда Q0845-сон корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва рисоланинг асл нусхаси;

- Агентлик томонидан 2023 йил 1 декабрдаги 02/18-2-2/R-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни асли;

- “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ томонидан 2025 йил 13 ноябрь ҳолатига берилган, эмитентнинг эмиссия ҳисобварағида ушбу чиқарилишнинг 5 640 дона корпоратив облигациялари мавжудлигини тасдиқловчи депо ҳисобварағидан кўчирма;

- “Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУКнинг ЯДТК тизим дастурий таъминотида облигацияларини Жамиятнинг депо ҳисобварағига ўтказиш амалиётини бажариш имконияти мавжуд эмаслиги ҳамда облигациялар бўйича пул маблағлари тўлиқ сўндирилганлиги тўғрисидаги “Kapital-Depozit” МЧЖнинг 2025 йил 11 ноябрдаги 127-сон ва “НВCapital” МЧЖнинг 121-сон Жамиятга йўллаган хати;

- ЯДТК тизим дастурий таъминотида облигацияларини Жамиятнинг депо ҳисобварағига ўтказиш амалиётини бажариш имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисидаги Қимматли қоғозлар бозори ахборот-ресурс маркази” ДУКнинг 2025 йил 15 майдаги 33-сон “НВCapital” МЧЖга йўллаган хати.

2. Жамиятнинг 2022 йил 31 августда Q0845-сон билан рўйхатга олинган умумий қиймати 6 565 000 000 сўмлик номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган 6 565 дона эгасининг номи ёзилган фоизли ҳужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар чиқарилиши ва миллий идентификация рақами (RU301Q0845T8) бекор қилинсин.

3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан “BIZNES FINANS MIKRMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамиятининг облигациялар чиқарилишига берилган миллий идентификация рақами (RU301Q0845T8) бекор қилинганлиги тўғрисида эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

**Директорнинг биринчи
ўринбосари**



В. Пак